

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ФЕРУЗА МАҲАММАДОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИДА
ОИЛАВИЙ АНЪАНА ВА МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Маматова Феруза Махаммадовна

Инглиз ва ўзбек фразеологизмларида оилавий анъана ва муносабатларнинг лингвомаданий таъқиқи 3

Маматова Феруза Махаммадовна

Лингвокультурологическое исследование семейных традиций и отношений в английских и узбекских фразеологизмах 25

Mamatova Feruza Makhammadovna

Linguocultural study of family traditions and relations in the English and Uzbek phraseological units..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ФЕРУЗА МАҲАММАДОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИДА
ОИЛАВИЙ АНЪАНА ВА МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №.B2021.3.PhD/Fil.1230 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Агзамова Дилдора Бахадиржановна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Галиева Маргарита Рафаэловна
филология фанлари доктори, доцент

Тухтаходжаева Наргиза Акмаловна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий Кенгашнинг «___»_____ 2022 йил соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871) 240-08-62; (+99871) 227-10-59; факс: (+99871) 246-65-24; e-mail: наука@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 106-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел.: (+99871) 240-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигининг ривожланишида ҳар бир миллатнинг дунёқараши, бой ҳаётӣ тажрибаси, анъана ва одатлари, турмуш тарзи, тарихини намоён этувчи миллий-маданий хусусиятларга эга тил бирликлари, хусусан, фразеологизмларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларининг олиб борилаётган чоғиштирма тадқиқи катта ўрин тутди. Замоनावий тилшунослик йўналишларидан бири лингвомаданиятшуносликни чуқурроқ ўрганишда бир нечта устувор йўналишлар, хусусан, оилавий анъана ва муносабатларни ёритиб берадиган миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи фразеологизмларнинг таҳлили ҳозирги кунда ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Дунё тилшунослигида ҳозирги кунда тилнинг ўрни маданият, жамият, инсоннинг руҳий онгидаги реал жараёнлар оқимида ўзига хосдир ва шу сабаб тилни тизим сифатида ўрганишдан ташқари, унга антропоцентриқ ёндашув талаби ошиб бормоқда, маданий белгиларни жамият онгидаги муҳрланган кўринишининг тилда акс этишини ўрганиш социолингвистика ва психолингвистика каби йўналишлар зиммасига тушди. Олам манзараси ва унинг бир қатор турларини (лисоний, миллий, этник ва бошқалар) назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш лингвомаданиятшуносликда қўйилган илк қадамлардан бири бўлди, хусусан, турли тизимли тиллар лингвомаданиятшунослигида халқлар анъаналари ва инсонлараро, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни намоён қилувчи фразеологизмларнинг миллий-маданий белгилари тадқиқида тилшунос олимлар томонидан тақлиф қилинган лингвомаданиятшуносликда қўлланилувчи самарали методлардан кросс-маданий, социопсихолингвистик эксперимент каби методларга таянган ҳолда олиб борилувчи изланишлар ва уларнинг натижаларини жаҳон илмий жамоатчилиги билан бўлишиш заруратини кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг бутун дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида лисоний тушунчаларнинг тадқиқи ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган муҳим тадқиқотларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди. «Оила» тушунчаси ўзбек халқи учун қадрли ва муҳим аҳамият касб этади, зеро, «оила» тушунчаси ўзбек миллатида юксак қадрланади. Маълумки, оила жамиятнинг ажралмас қисмидир, шу сабабли, унга тааллуқли ҳар қандай ўзгариш мамлакат, жамият ривожига ўз таъсирини ўтказди. Зеро, «замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш» зарурлиги таъкидланган¹. Оилавий анъана ва муносабатлар тушунчаларининг лисоний воқеланишининг миллий-маданий жиҳатлардаги универсал ва ўзига хос хусусиятларини юзага чиқариш орқали турли тизимли тилларнинг лингвомаданиятида мазмунини аниқлаш нафақат тилшунослик нуқтаи назаридан, балки ушбу тушунчаларга оид тил бирликлари, айниқса, фразеологизмларни таржима қилиш амалиётини такомиллаштириш, миллатлараро мулоқот

¹ <https://lex.uz/docs/3546742/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

жараёнларини шакллантириш, ундаги келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларни бартараф этиш билан ҳам ўз долзарблигига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва давлатни ижтимоий, демократик ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги йилларда лингвомаданий тил бирликлар асосида чоғиштирма тадқиқотлар сони ошиб бормоқда. Лисоний бирликларни ўрганишга лингвомаданий ёндашув бир қатор хорижий тилшунос олимлар, хусусан, Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, А.П.Бабушкин, Н.Н.Болдырев, А.Вежицкая, С.Г.Воркачев, В.В. Воробьев, В.И.Карасик, О.А.Корнилов, Е.С.Кубрякова, В.А.Маслова, С.Г.Тер-Минасова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида² ўз аксини топган.

Ўзбек олимларидан тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигига оид масалаларини Д.У.Ашурова, Т.А.Бушуй, М.Р.Галиева, А.Э.Маматов, Н.З.Нормуродова, М.И.Расулова, Н.Махмудов, Ш.С.Сафаров, Д.С.Худайбергана, Ў.К.Юсуповлар³

² Алефиренко Н.Ф. Протовербальное порождение культурных концептов и их фразеологическая репрезентация // Филол. науки., 2002. – № 5. – С. 72-81; Вежицкая А. Язык, культура и познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. 2-е изд., испр. – М.: Языки русской культуры, 1999. I-XV. – 896 с.; Вежицкая А. Язык, культура и познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки, 2001. – № 1. – С. 64-72; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М., 1997. – С. 32; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. 2-е изд. – М.: Гнозис, 2004. – 390 с.; Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. 2-е изд., испр. и доп. – М.: ЧеРо, 2003. – 349 с.; Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка: Когнитивные исследования. Ин-т. языкознания РАН. – М.: Знак, 2012. – 208 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – 2-е изд., стереотип. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 208 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация (Учеб. пособие). – М.: Слово/Slovo, 2000. – С. 271

³ Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 37-40; Бушуй Т.А. Проблема языка и нации в лингвокультурологическом аспекте // International scientific review, 2019. – № LVI; Галиева М.Р. Религиозное сознание в языковой картине мира // Вестник Московского государственного лингвистического университета. Гуманитарные науки, 2015. – № 5 (716). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/religioznoe-soznanie-v-yazykovoy-kartine-mira> (дата обращения: 26.05.2021); Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов тавлудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2012; Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. – № 5. – Б. 10; Нормуродова Н.З. Художественный дискурс и языковая личность в свете актуальных лингвистических направлений: парадигмы знания, основные принципы и тенденции развития // Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2015. – № 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hudozhestvennyy-diskurs-i-yazykovaya-lichnost-v-svete-aktualnyh-lingvisticheskikh>

ўз илмий тадқиқот ишларида ўрганиб чиққанлар. Лингвомаданий тил бирликларининг катта гуруҳи ҳисобланган фразеологизмларнинг миллий ҳамда ўзига хос жиҳатларини икки ва ундан ортиқ, турли тизимли тиллар кесимида чоғиштириб ўрганишга талаб ошиб бормоқда. Фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритишда Н.Ф.Алефиренко, А.Вежбицкая, В.А.Маслова, А.В.Кунин, В.Н.Телия⁴ ва ўзбек олимларидан А.М.Бушуй, А.Э.Маматов, М.И.Умарходжаев, Имяминова Ш.С., Ш.Раҳматуллаев⁵, инглиз олимларидан А.П.Коуви, М.Омазиу, К.Стейер, С.Ханстон⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари катта аҳамиятга эга.

Танланган диссертация мавзуси доирасида хорижий олимлардан Л.Нювел, Ф.Кейт, С.М.Адамова, А.Т.Ашхарова, З.А.Биктагинова, А.А.Гайченя, А.В.Леднева, А.Раҳматларнинг оилавий муносабатларга доир қиёсий-чоғиштира тадқиқот ишларини келтириш мумкин. Бундан ташқари, Д.А.Гильфанова инглиз, рус ва татар тилларидаги фразеологик бирликлар асосида тўй анъанасини ўрганган, А.Р.Габбасова «Тўй» концептини рус ва бошқирд тиллари оламининг лисоний манзарасида акс этишини тадқиқ қилган. Го Пинтин⁷ хитой ва рус

pravleniy-paradigmy-znaniya-osnovnye-printsipy-i (дата обращения: 27.05.2021); Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Самарқанд: Сангзор наш., 2006. – 92 б.; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ тадқиқи. Филол. фан. док-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – Б. 18; Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликда янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар // Филология масалалари. – Т., 2011. – № 2. – Б. 9-15.

⁴ Алефиренко Н.Ф. Протовербальное порождение культурных концептов и их фразеологическая репрезентация // Филол. науки., 2002. – № 5. – С. 72-81; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка/А.В.Кунин. – Москва, 2005. С.313;Телия В. Н. Культурно-национальные коннотации фразеологизмов (от мировидения к миропониманию) // Славянское языкознание. XI Международный съезд славистов. – М.: Наука, 1993. – 314 с.; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка / А.В.Кунин. – Москва, 2005. – С. 313.

⁵ Бушуй Т.А. Контрастивная лексикография в уровневой интерпретации фразеологии исходного языка. Автореферат диссертации ... доктора филологических наук / Т.А.Бушуй. – Ташкент, 2000. – 43 с.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиш масалалари. Фил. ф. докт. дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.; Умарходжаев М.И. Основы фразеографии: автореф. дис. ... д-ра филол. наук / М.И.Умарходжаев. – М., 1981. – 56с.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.; Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси (ўқув қўлланма). ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011. – Б. 80.

⁶ Cowie A.P. Phraseology. Theory, Analysis, and Applications. Oxford Studies in Lexicography and Lexicology. – Oxford: Oxford University Press, 1998; Omaziū M. Patterns of phraseological units modifications. Häcki Buhofler, Annelies, Harald Burger, eds. Phraseology in Motion II. Baltmannsweiler. – Schneider, 2007; Steyer K. Corpus linguistic exploration of modern proverb use and proverb patterns. Computational and corpus-based phraseology: Recent advances and interdisciplinary approaches, Proceedings of the Conference. Volume II. – London, UK, Geneva: Editions Tradulex, 2017. – P. 45-52; Hunston S. Corpora and language teaching: issues of language. Cambridge University Press. – Cambridge, 2010. – P. 137-169.

⁷ Fox K. Watching the English / The Hidden Rules of English behaviour. – United States: Nicholas Brealey, 2012. – P. 228; Lloyd D. Newell. A qualitative analysis of family rituals and traditions. Ph.D. diss. Brigham Young University. – Utah, 1999; Адамова С.М. Пословицы и поговорки, отражающие межличностные отношения в языках различных культур: лакском и английском. Дис. ... канд. филол. наук. Дагест. гос. пед. университет. – Махачкала, 2015. – 102 с.; Ашхарова А.Т. Концепт «дитя» в русской языковой картине мира. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Архангельск, 2002. – С. 57-64; Биктагинова З.А. Концепт «семья» в паремологии английского, турецкого и татарского языков. Автореферат дис. ... кандидата филологических наук. Татар. гос. гуманитар. -пед. университет. – Казань, 2007. – 24 с.; Гайченя А.А. Концепт СЕМЬЯ в русской и испанской языковых картинах мира. Лингвокультурологический анализ [Электронный ресурс] // Язык и текст, 2018. Том 5. – № 4. – С. 68-77. doi:10.17759/langt.2018050408.; Леднева А.В. Концепт «Ребенок» в пословичном фонде (на материале русских и немецких пословиц и поговорок) // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2: Филология и искусствоведение, 2011. – № 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontsept-rebenok-v-poslovichnom-fonde-na-materiale-russkih-i-nemetskih-oslovits-i-pogovorok> (дата обращения: 18.01.2021); Раҳмат А. Концепт семья в русской паремике. Лингвокультурологический аспект: дис. ... канд. филол. наук: 10.02.20 / А.Раҳмат. – Санкт-Петербург, 2013. – 231 с.; Гильфанова Д.А. Фразеологические единицы, выражающие свадебные традиции, в английском, русском и татарском языках. Дис. ... канд. филол. наук: 10.02.20 / Д.А.Гильфанова. – Казань, 2013. – 147 с.; Габбасова А.Р. Репрезентация концепта «свадьба / туй» вот

тилларидаги оилавий анъана ва муносабатларни мақол ҳамда маталлар орқали лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ қилган. Ўзбек тадқиқотчиларидан Ш.Джамалдинова, И.Жабборов, Р.Р.Касимова, С.А.Рўзиева, О.Р.Ураловаларнинг тадқиқотлари⁸ ҳам айнан шу мавзуга бағишлангандир.

Ушбу диссертация ишида қўлланилган, лингвомаданий бирликларни тадқиқ этишда В.А.Маслова⁹ томонидан таклиф қилинган социолингвистик ва психолингвистик экспериментлар, уларни қўллаш орқали миллий-маданий бўёқдорликка эга тил бирликларини, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этишда бир қатор олимлардан Д.Б.Агзамова, М.А.Курбонова, рус олимларидан В.И.Беликов, Л.П.Крысин, А.А.Леонтьев, К.В.Нилова, З.В.Сикевич, И.А.Стернин, М.Савалмех, С.Гаррод, Ж.Седиви ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган¹⁰.

Оилавий анъана ва муносабатларнинг миллий-маданий ўзига хослиги турли тиллар кесимида фразеологик бирликларни қиёсий ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, бироқ инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари асосида лингвомаданий таҳлил ҳамда социолингвистик ва психолингвистик ассоциатив метод ҳамда экспериментлар орқали изланишлар илк бор амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимдаги тилларнинг лисоний ва типологик хусусиятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

фразеологической картине мира / А.Р. Габбасова // Вестник Башкирского университета, 2010. Т. 15. – № 3 (1). – С. 1029-1030; Го Пинтин. Репрезентация семейных традиций в русской и китайской языков картинах мира. Дис. ... канд. филол. наук: 10.02.20. – Уфа, 2018. – 275 с.

⁸ Джамалдинова Ш.О. Концепт «Семья» как фрагмент фразеологической картины мира двух народов (на материале паремий русского и узбекского языков / Материалы конференции Филологические исследования, 2015. – С. 34-37; Жаббаров И. Ўзбек халқ этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 311 б.; Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 252 б.; Паизбекова А.Д. Лингвокогнитивный аспект репрезентации временных отношений в пословиц английского, русского, узбекского и казахского языков: PhD дисс. – Т., 2019; Рузиева С. Лингвокультурный потенциал английских и узбекских фразеологизмов с компонентом «семья» // Глобус. Халқаро илмий журнал. – Россия: Санкт-Петербург, 2017. – № 6. – Б. 79-81; Уралова О.Р. инглиз ва ўзбек тилларида «оила» бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси. Филол. фан. док-ри. дисс. автореф. – Самарканд, 2021. – 55 б.

⁹ Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. 2-е изд., стереотип. – М.: Издательский центр Академия, 2004. – С. 34-35

¹⁰ Агзамова Д.Б. Построение номинативного поля концепта «память» в английском и узбекском языках путем проведения ассоциативного эксперимента // Вестник Челябинского государственного педагогического университета, 2011. – № 2. – С. 191-198; Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 128 б.; Беликов В.И., Крысин Л.П. Социолингвистика. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 2001. – 439 с.; Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания / А.А.Леонтьев. – М.: Наука, 1969. – 308 с. – С. 122; Нилова К.В. Коммуникативный аспект межпоколенного конфликта Пути преодоления кризисных явлений в педагогике, психологии и языкознании. Materials digest of the XXXI International Scientific and Practical Conference». – Лондон, 2012. – С. 156-161. URL: <http://gisap.eu/ru/node/12567>; Сикевич З.В. Метод психолингвистики в социологическом исследовании // Социологический журнал, 2014. Том 20. – № 4. – С. 6-18. DOI: <https://doi.org/10.19181/socjour.2014.20.4.234>; Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1979. – 122 с.; Garrod S. Psycholinguistic Research methods. – Glasgow, 2006. – P. 251-265; Sawalmeh M.A. Sociolinguistic Study of Muslim and Christian Wedding Invitation Genre in the Jordanian Society // Journal of Advances in Linguistics, 2004. Vol. 5. – № 1. – P. 448-462; Sedivy Y. Language in mind. – New York: Oxford University Press, 2010. – P. 1292.

Тадқиқотнинг мақсади оилавий анъана ва муносабатларга оид инглиз ва ўзбек фразеологизмларининг лингвомаданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига хос бўлган ҳамда ушбу тиллар фразеологизмларида акс этган оилавий анъана, муносабатларнинг ўхшаш, фарқли жиҳатларини аниқлаш орқали ушбу мавзуда бажарилган илмий тадқиқот ишлардаги бўшлиқларни тўлдириш;

инглиз ва ўзбек оилавий анъана ва муносабатларга оид фразеологизмларнинг чоғиштирма тадқиқи натижасида мавзувий жиҳатдан шаклланган концептуал-тематик майдонларни чоғиштирма тадқиқ этиш;

инглиз ва ўзбек оилавий анъана ва муносабатларга оид фразеологизмлар асосида яратилган сўровнома ёрдамида социолингвистик ва психолингвистик эксперимент ўтказиш ва инглиззабон ҳамда ўзбекзабон респондентларнинг жавоблари асосида чоғиштирма таҳлиллар олиб бориш;

инглиз ва ўзбек оилавий анъана, муносабатларга оид фразеологизмлар жамланган инглиз-ўзбек ва ўзбек-инглиз паремиологик луғати мобил иловасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида оилавий анъана ҳамда муносабатларни акс эттирувчи фразеологик бирликлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмларида акс этган оилавий анъана ҳамда муносабатларнинг лингвомаданий хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда чоғиштирма, этимологик, компонент таҳлил, кросс-маданий таҳлил, социолингвистик ва психолингвистик эксперимент каби таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

чоғиштирилаётган тиллардаги фразеологизмларда оилавий анъана ва муносабатларнинг лингвомаданий хусусиятларини верификация қилиш жараёнида респондентнинг ёши, жинси, оилавий анъана ва муносабатлар масаласида эса оилавий аҳволи ҳам муҳим аҳамият касб этиши далилланган;

инглиз фразеологизмларида акс этган оила-никоҳ, турмуш ўртоқ танлаш, турмуш қуриш, фарзанд тарбияси каби оилавий анъаналарнинг концептуал-тематик майдонлари ҳамда ўзбек фразеологизмларида оила-никоҳ, турмуш ўртоқ танлаш, турмуш қуриш, тўй ва фарзанд тарбияси каби оилавий анъаналарга оид концептуал-тематик майдонларнинг кўплиги асосланган;

инглиз фразеологизмларида акс этган эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, ака-ука, опа-сингил каби оилавий муносабатларнинг концептуал-тематик майдонлари ҳамда ўзбек фразеологизмларида эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, ака-ука, опа-сингил, тоға, амма, жиян, овсин, божа каби қариндошлар орасидаги муносабатларни ифодаловчи концептуал-тематик майдонларнинг кўп учраши исботланган;

инглиз оилавий анъана ва муносабатларининг инглиз сўконғич хотини, фарзандлар катта харажат, инглиз тўйлари санаси каби концептуал-тематик майдонлари ўзбек тилида аниқланмаганлиги ҳамда ўзбек оилавий анъана ва муносабатларнинг ўзбекнинг кенгашли тўйлари, оилада қиз фарзанд тарбияси,

қўшхотинлилик азоблари каби концептуал-тематик майдонлари инглиз оламининг лисоний манзарасида акс этмаганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилавий анъана ва муносабатларнинг инглиз ҳамда ўзбек фразеологизмларида акс этишининг тадқиқи натижасида ҳар бир анъана ва муносабатлар турлари бўйича мавзувий концептуал-тематик майдонлар ажратилган;

оилавий анъана ва муносабатларга оид фразеологизмлар таҳлили натижасида инглиз ёки ўзбек тилларидан бирида акс этмаган оилавий анъана ва муносабатларнинг турлари чоғиштирилаётган тилларнинг бирида, яъни инглиз ёки ўзбек тилида мавжудлиги аниқланган ва далилланган;

инглиззабон ва ўзбекзабон респондентлари орасида ўтказилган социопсихоллингвистик эксперимент натижалари чоғиштирилаётган тилларнинг луғатларида мавжуд оилавий анъана ва муносабатларга оид фразеологизмларга респондентларнинг турлича муносабатлари аниқланган ва далилланган;

диссертация ишида фойдаланилган оилавий анъана ва муносабатларга оид мақол ҳамда идиомалар жамланган ўзбек-инглиз (377 та ўзбекча фразеологик бирлик) ва инглиз-ўзбек (279 та инглизча фразеологик бирлик) паремиологик луғатининг мобил иловаси яратилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий тилшуносликнинг тадқиқот методлари асосида мавзу юзасидан илмий асосланган хулосалар келтирилган, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани назарий маълумотлар ишончли ва мавжуд манбалардан, жумладан, диссертациялар, авторефератлар, фразеологик луғатлардан олингани, олиб борилган таҳлиллар лингвомаданий, чоғиштирама, социоллингвистик ҳамда психоллингвистик метод ва экспериментлар асосида олиб борилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антропоцентрик парадигма назарияси асосида турли тизимли тилларда оилавий анъана ва муносабатлар тушунчасини лингвомаданий хусусиятлари, «оила» тушунчаси ижтимоий, психологик ҳодиса эканлигини назарда тутган ҳолда жамиятда, тилда, маданиятда, инсон онгида мужассамлашган нутқий фаолият эканлигининг тадқиқ этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, илмий ишдан олинган натижалар «Лингвомаданиятшунослик», «Лексикология», «Лексикография», «Фразеография», «Умумий тилшунослик», «Таржимашунослик», «Социоллингвистика», «Психоллингвистика», «Маданиятлараро мулоқот», «Мамлакатшунослик» каби фанлар бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар, икки тилли луғатлар, маърузалар ҳамда махсус курсларни яратишда оилавий анъана ва муносабатларни ифодаловчи инглиз ва ўзбек тиллари мисолида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек фразеологизмларида акс этган оилавий анъана ва муносабатларнинг лингвомаданий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

инглиз ва ўзбек фразеологизмларида акс этган оилавий анъана ва муносабатларнинг миллий-маданий хусусиятлари, яъни никоҳ, тўй, турмуш каби ҳамда амма, тоға ва жиян, овсинлар, қудалар, қайнэгачи, қайнисингил ва келин, куёв, овсинлар, божалар билан муносабатлар каби фарқли жиҳатларига оид хулосаларидан Европа иттифоқининг ERASMUS + дастури лойиҳаси доирасида Термиз давлат университети 2016-2019-йилларда бажарилган 574099-EPP-1-IT-EPPKA2-SBHE-SP «Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш» (Paving the way to interregional mobility and ensuring relevance, quality and equity of access-Прокладывание пути к межрегиональной мобильности и обеспечения актуальности, качества и равенства доступа) лойиҳасида фойдаланилган (Термиз давлат университетининг 2021 йил 22 июндаги 04/12-1727-сон маълумотномаси). Натижада оилавий анъана ва муносабатларга оид миллий-маданий фразеологизмларнинг таҳлиллари фразеологизмларнинг таржимаси, уларни маданиятлараро мулоқот жараёнларида тўғри қўллаш сифатини оширишга имкон яратилган;

инглиз ва ўзбек фразеологизмларида акс этган оила-никоҳ, турмуш ўртоқ танлаш, турмуш қуриш, тўй ва фарзанд тарбияси каби оилавий анъаналарнинг концептуал-тематик майдонлари ҳамда инглиз ва ўзбек фразеологизмларида акс этган эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, ака-ука, опа-сингил каби оилавий муносабатларнинг концептуал-тематик майдонларига оид хулосаларидан «Paremiological dictionary of English and Uzbek Family traditions/ Ingliz va o'zbek oilaviy an'analari paremiologik lug'ati» номли икки тилли луғати мобил илова сифатида яратилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 29 июндаги 04/11-3562-сон маълумотномаси). Натижада оилавий анъана ва муносабатларни акс эттирувчи инглиз ва ўзбек фразеологик бирикларнинг эквивалентлари ҳамда талқинлари борасидаги баҳсли масалаларга ойдинликлар киритилган;

инглиз оилавий анъана ва муносабатларининг инглиз сўконғич хотини, фарзандлар катта харажат, инглиз тўйлари санаси каби концептуал-тематик майдонлари ўзбек тилида аниқланмаган ҳамда ўзбек оилавий анъана ва муносабатларининг ўзбекнинг кенгашли тўйлари, оилада қиз фарзанд тарбияси, қўшхотинлилик азоблари каби концептуал-тематик майдонлари инглиз оламининг лисоний манзарасида акс этмаганлигига оид хулосаларидан «O'zbekiston tarixi» телеканалида намойиш этилган «Ибтидо» номли кўрсатув саҳифаси сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 23 августдаги 01-40-1360-сон маълумотномаси). Натижада оилавий анъана ва муносабатларга оид инглиз, ўзбек мақол ва ибораларининг миллий-маданий жиҳатдан ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришда олиб борган тадқиқотнинг натижаларида келтирилган маълумотлар оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро, шулардан, 1 таси Web of science базасида индексланган ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий мақола, шулардан, 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 4 та импакт факторли хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лингвомаданиятшунослик фанида фразеологизмлар ўрганилишининг назарий асослари**» деб номланган биринчи боби тил ходисаларини қиёслаб ўрганиш, оламнинг лисоний манзарасини лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши ва фразеологизмларда акс этган стереотипларнинг оламнинг лисоний манзараси ҳамда лингвомаданий тадқиқотларда концептуал-тематик майдон шаклланишидаги ўрни муаммоларига бағишланган.

Антропоцентрик парадигмага ўтиш гуманитар фанлардаги изланишларда янги соҳанинг яралишига туртки бўлди. Лингвомаданиятшунослик фани янги соҳа сифатида XX асрнинг 90- йилларида вужудга келди ва шу кунгача у антропоцентрик парадигманинг маҳсули сифатида ривожланиб келмоқда. «Лингвомаданият» атамаси энг аввал фразеология мактабининг вакиллари В.Н.Телия, В.В.Воробьев, В.А.Маслова ва бошқаларнинг ишларида намоён бўлган. Хусусан, В.В.Воробьевнинг таъкидлашича, лингвомаданий тадқиқотлар «замонавий тилшуносликнинг барча йўналишлари билан мослашиб, инсон, фикрлаш, тафаккур, рухий амалий фаолияти билан узвий боғлиқликда ривожланиб боради»¹¹. В.Н.Телиянинг қарашларига кўра эса, «лингвомаданиятшунослик инсонийлик омилига, аниқроғи, тилда маданий ва лисоний омилларнинг инсонга таъсири кучини ўрганадиган фан. Бу эса лингвомаданиятшуносликка – инсон ҳақидаги фанда ўрганиш марказида маданият феномени ётадиган антропоцентрик парадигманинг предмети сифатида қаралади»¹². В.А.Маслова лингвомаданиятшунослик тарихий,

¹¹ Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М.: Изд-во Рос. ун-та дружбы народов, 1997. – С. 101.

¹² Телия В.Н. О методологических основаниях лингвокультурологии / Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. – М., Обнинск, 1995. – С. 89.

замонавий, лисоний фактларни рухий маданиятнинг призмаси орқали акс эттиришни англатади, деган фикрни илгари суради¹³.

Лингвомаданиятшунослик соҳасидаги изланишларни оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)ни ўрганмасдан туриб изчил олиб бориш мумкин эмас. ОЛМ турли хил усуллар билан яралади. Бизнинг фикримизча, энг ифодали ва ёрқин усул бу фразеологизм, мифологема, метафора, коннотатив сўзлар ва бошқалардир.

Шундай қилиб, ОЛМни таърифлашда аксарият олимлар иккита асосий таркибни ажратади: экстралингвистик воқеълик, яъни атроф-олам, аниқроғи унинг образи ва уни акс эттирувчи тил (унинг шакллари, бирликлари), сабаби, «ҳар бир табиий тилда оламини идрок этишида муайян бир усул акс этади»¹⁴ ва у ОЛМ деб ном олган. В.В.Виноградов «Основные типы лексических значений» мақоласида, ОЛМ ҳақида бироз бошқача «воқеъликнинг бир бўлаги»¹⁵ дея ёзган.

Охириги йилларда фразеологик бирликлар ва улар таркибига қандай тил бирликлари кириши борасида кўплаб баҳс ва мунозаралар бормоқда. Тилшуносликнинг ушбу бўлимининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан А.П.Коуви, М.Омацию, К.Штайер, С.Ханстон, А.В. Кунин, В.В.Виноградовлар, А.Ғуломов, У.Турсунов, А.К.Боровков, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаинов, А.Э.Маматовларни келтириш мумкин. Фразеологизмларларни ўрганишда фразеологизмлар гап структурасига ва коммуникатив аҳамиятга эгами, йўқми каби баҳсли мунозаралар ҳали ҳам ўз ечимини топмаган. Аксарият тилшунослар, хусусан, фразеологик бирликларни ўрганувчи олимлардан В.В.Виноградовнинг¹⁶ идиомалар фразеологизмларнинг бир қисми эканлиги ҳақидаги таълимоти ва у яратган фразеологизмларнинг семантик классификациясини қўллаб-қувватлайдилар. Катта баҳс бу мақол ва маталларни фразеологизмлар таркибига киритиш ёки киритмаслик мезонлари устида бормоқда. Масалан, А.В.Кунин, С.Г.Гаврин, А.Г.Назарян, Н.М.Шанский, И.И.Чернышева, Е.Ф.Арсентьева, Г.Л.Пермяков каби олимлар мақол ва маталларни фразеологик бирликлар таркибига киритишни таклиф қиладилар. А.В.Кунин «мураккаб гапли структурага эга фразеологизмлар фақат мақоллар бўлиши мумкин» деб таъкидлайди.¹⁷ Н.Н.Амосованинг таърифича, «Мақол ва маталлар тил тизимига кирмайдиган ва мустақил коммуникатив бирликлардир. Улар на лексик бирликлар ва на лексик бирликларнинг эквиваленти бўла олмайди. Агар лексик бирлик остида ҳар қандай турғун, метафорик ва ҳеч бўлмаганда анъанавий мазмунга эга лисоний шаклни назарда тутсак, фольклорнинг кичик бирликлари бўлган топишмоқ, тез айтиш ва ҳоказоларни ҳам киритиш керак бўлади»¹⁸ деган фикрни олға сурган ҳолда мақол ва маталларни фразеологик бирликлар таркибига киритмайди. Бу фикрни

¹³ Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений. 2-е изд., стереотип. – М.: Издательский центр Академия, 2004. – С. 37.

¹⁴ Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка: попытка системного описания / Ю.Д.Апресян // Вопросы языкознания, 1995. – № 1. – С. 37-67.

¹⁵ Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С. 162-189.

¹⁶ Виноградов В.В. Избранные труды // Исследования по русской грамматике. – М.: Наука, 1975.

¹⁷ Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка / А.В.Кунин. – Москва, 2005. – С. 313.

¹⁸ Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии / Н.Н.Амосова. – Ленинград: ЛГУ, 1963. – С. 145.

А.М.Бабкин¹⁹, В.П.Фелицына, А.И.Молотков²⁰, В.П.Жуков²¹, В.В.Виноградовлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. В.П.Фелицына²² мақол ва маталларни адабий асар бўлган масалга тенглаштиради ва шу сабабдан, уларни фразеологик бирликлар таркибига киритмаслик керак дейди. Зеро, мақол, маталнинг масалдан яна бир фарқи структур жihatдан масалдан кичик ҳажмда бўлишидир. Масал ва мақолларнинг ягона ўхшаш жихати уларда маслаҳат, ҳикмат, ибрат бериш мақсади ётади. И.И.Чернышеванинг фикрича, мақол ва маталларнинг синтактик тузилишга эга бўлганлигини инобатга олиб фразеологик бирликларга киритишни таклиф қилади. «Турғун бирикмалар гапга тенг бўлган тил бирликларини ёки гап эквивалентларини ҳосил қила олади»²³. Н.М.Шанский фразеологик бирликларнинг тузилиши ва мақсадига кўра икки гуруҳга бўлади ҳамда унинг иккинчи гуруҳига панд-насихат берувчи ибратли гаплар бўлган мақол ва маталларни киритади²⁴. Инглиз тилшуноси Г.Коллис мақолларда фразеологизмларнинг белгилари борлигини таъкидлайди. «Чунки уларнинг маъносида фразеологизмлар каби қайта талқин қилиниш бор»²⁵. Инглиз тилшунослигида бу масала билан А.Тейлор шуғулланган ва ўз тадқиқот натижаларини «The Proverbs and an Index to the Proverb» ишида баён қилган. Мақолларнинг лексик, семантик ва структур жихатларини батафсил ўрганган олим, мақолларни ФБ сифатида ўрганиш таклифини киритади²⁶. Инглиз олими К.К.Штайернинг фикрича, аслида паремиология фразеологик кўп сўзли бирликларни мақол сифатида тадқиқ қилувчи сифатида тил корпусларида ва корпус тилшунослигида яшаб қолмоқда²⁷. С.Ханстон фразеологизмлар сифатида тилда қўлланилувчи бир нечта тил бирликларини мисол тариқасида келтиради: сўз бирикмалари, мақоллар, афоризмлар, турғун бирикмалар...»²⁸. Профессор Ш.С.Имяминова немис фразеологизмлари ҳақида сўз юритар экан, қуйидаги фикрни беради: «... фразеологизмларни бошқача таснифлаш ҳам мумкин. Бундай тасниф фразеологизмларни *анъанавий таснифлаш* дейилади, яъни бундай таснифлаш асосида фразеологизмларнинг структуравий-семантик таснифи ётади»²⁹. Олима фразеологизмларнинг классификациясига оид гуруҳларни қуйидагича изоҳлайди: «... иккинчи гуруҳга мансуб фразеологизмлар асл маънога эга бўлган фразеологизмларни ўз ичига олади». Шу ўринда, олима фразеологизмлар таркибига жуфт сўзлар, мақоллар,

¹⁹ Бабкин А.М. Лексикографическая разработка русской фразеологии. – М. Л., 1964. – С. 70.

²⁰ Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. – Л., 1977. – С. 57.

²¹ Жуков В.П., Жуков А.В. Русская фразеология. – М.: Высшая школа, 2006. – С. 271.

²² Фелицына В.П. О пословицах и поговорках как материале для фразеологического словаря / В.П.Фелицына. Сб. Проблемы фразеологии. – Москва, 1964. – С. 50.

²³ Чернышева И.И. Phraseologie // Степанова М.Д., Чернышева И.И. Лексикология современного немецкого языка = Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Учеб.пособие для студ.лингв. и пед. фак. высш. учеб. заведений / М.Д.Степанова, И.И.Чернышева. 2-е изд., испр. – М.: Издательский центр Академия, 2005. – С. 176-232.

²⁴ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка / Н.М.Шанский. – М.,1985. – С. 73.

²⁵ Collis H. & Risso M. 101 American English proverbs. – Lincolnwood, Illinois: Passport Books, 1992. – P. 106.

²⁶ Taylor A. The Proverbs and the Index to the Proverb / A.Taylor. – Copenhagen, 1992. – P. 145.

²⁷ Steyer K. Corpus linguistic exploration of modern proverb use and proverb patterns. Computational and corpus-based phraseology: Recent advances and interdisciplinary approaches, Proceedings of the Conference Volume II. – London, UK, Geneva: Editions Tradulex, 2017. – P. 45-52.

²⁸ Hunston S. Corpora and language teaching: issues of language. Cambridge University Press. – Cambridge, 2010. – P.137-169.

²⁹ Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси (ўқув қўлланма). ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011. – Б. 8.

маталлар, идиомаларни киритади³⁰. Профессор А.Э.Маматовни фразеологизмларга «Фразеологияни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, «қанотли сўзлар»ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт»³¹ дея таъриф берар экан, уларга етита мезон, яъни икки ёки ундан ортиқ компонентлик, турғунлик, мотивлашганлик, образлилик, онгимизда қайта инъикос этишлик, эмоционал-экспрессивлик ва энг асосийси қисман ёки тўлиқ кўчма маънолилик мезонлари хос эканлигини таъкидлайди. Демак, юқорида келтирилган таърифга мос келувчи тил бирликларининг барчаси фразеологизмлар таркибига киритилади. Мақол ва маталларни ФБ таркибига киритувчи бир қатор олимларнинг қарашлари, фикрларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг олға сурган назарияларига қўшиламиз ва ушбу бирликларни ҳақли равишда фразеологизмлар қаторига киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз ва бизнингча, бундай ёндашиш, аввало, фразеологизмлар табиатини янада чуқурроқ ўрганишга ва уни тўлақонли очиб беришга имкон беради. Фразеологик фондга кирувчи бирликлар ҳақида сўз борар экан, уларнинг мазмунида халқ, этноснинг маданияти акс этишини инкор этиб бўлмайди.

Муайян миллат маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари стереотип номини олган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият стереотиплар тилда одатда миллий-маданий бўёқдорликка эга ФБлар орқали намоён бўлади. Масалан, инглиз тилида «pie» (пирог) сўзи билан боғлиқ бир қатор «Have your cake and eat it too», «easy as pie» [бир ишни осонлик билан бажариш] идиомалари мавжуд. Инглиз таомномасидан жой олган «pie» (пирог) сўзи тайёрланиши, балки истеъмол қилиниши жиҳатидан осон бўлгани сабаб, ушбу идиомаларнинг яралишига туртки бўлган. Ўзбек тилида, масалан, меҳмондўстлик билан боғлиқ стереотиплардан келтириш мумкин: «От боққин улоққа, қўй боққин кўноққа» (меҳмонга).

У.Липпманга кўра, стереотиплар – биринчидан, инсоннинг мураккаб ижтимоий объектларни қабул қилишига сарфланадиган кучини тежайдиган, иккинчидан, унинг қадриятлари, ҳуқуқлари ва позициясини ҳимояловчи инсон миясидаги маданият орқали тартибга солинган «оламнинг манзараси»дир³². «Стереотиплар инсонга бутун олам ҳақида тасаввурни яратишга, ўзининг тор ижтимоий, географик ва сиёсий оламидан чиқишга имкон беради»³³ деб ёзади С.Г.Тер-Минасова. Рус олими В.Красных стереотип ҳақида шундай фикрни илгари суради: «Стереотип – жамоа онгида мавжуд бўлган олам манзарасининг барқарор қисмидир. Бу предмет ёки ҳодиса ҳақидаги тасаввурнинг миллий-

³⁰ Ўша асар.

³¹ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т., 1991. –212 б.

³² Липпманн У. Общественное мнение; пер. с англ Т.В.Барчунова; под ред. К.А.Левинсон, К.В.Петренко. – М.: Институт Фонда «Общественное мнение», 2004. – 384 с.

³³ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация (Учеб. пособие). – М.: Слово/Slovo, 2000. – С. 271.

маданий хусусиятига боғлиқ, турғун, аниқ бўлган тасаввурнинг аниқ бир образи, ментал манзарадир»³⁴.

«Инглиз ва ўзбек халқлари оламининг лисоний манзарасида оилавий анъана ва муносабатлар ҳақидаги тасаввурнинг акс этиши» деб номланган иккинчи бобда «Оила» ва «оилавий анъана ва муносабатлар» тушунчалари ҳамда уларнинг тил бирликларида акс этиши, инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига хос «Оила-никоҳ» ва оиладаги тарбия анъаналарининг фарқли хусусиятлари, оилавий муносабатлар билан боғлиқ анъаналарнинг инглиз ва ўзбек халқлари оламининг лисоний манзарасида акс этиши таҳлил қилинади.

Оиланинг мазмуни, моҳиятини тўлақонли англаган ҳар бир миллат оила ҳақида кўплаб мақолларни яратган ва қайсидир маънода оилани мустаҳкам, барқарор қилиш ниятида бўлган, бу мақолларга амал қилган оила ва унинг аъзолари қўйилган мақсадга эришган. Хусусан, ўзбек халқи оилани муқаддас деб ҳисоблайди. Уни ҳар қандай нарсадан устун қўйиб ҳаёт мазмуни эканлигини уқтиради. Қуйидаги мақоллар бунинг яққол исботидир: *Оила тинч – юрт тинч; Оила – қўш устунли айвон*³⁵. Оиладаги тинчлик, жамиятдаги тинчликни таъминлайди, зероки, ўз оиласида тинч, бахтиёр бўлган шахс жамиятга ҳам фойдаси тегади. Бироқ оилада қариндошлар ўртасида келишмовчиликлар бўлиб туради, ҳатто энг намунали оилаларда ҳам, буни эса инглиз миллати табиий ҳолатдек қабул қилади: *There is a black sheep in every flock; Accidents will happen in the best regulated families*. Шундай вазиятларда оила яна ҳам жипслашиб, бир-бирини кўллаб-қувватлаб, оиланинг ичида бўлганларни ташқарига олиб чиқмаслик зарур дейилади ҳам инглиз, ҳам ўзбек мақолларида: «*Уй сирри – ёниқлик қозон*», «*Don't wash your dirty linen in public*»³⁶. Ҳаётда инсон ҳар қандай вазиятда унинг оиласи ёнида бўлиши ушбу мақолда ўз аксини топган: *Blood is thicker than water*. Оила аъзолари ўртасидаги муносабат унинг ташқарисидagi муносабатлардан кучлироқдир. *A family that prays together stays together* каби мақолларда оила қанчалик мустаҳкам бўлса, у шунчалик бахтиёр оилага айланади, мустаҳкам оила эса ундаги инсонларнинг доимо бирга бўлиши, яхши-ёмон кунларида ёнида туриши керак деган фикрларни илгари сурилади.

Анъана турли «стереотиплашган ҳаракатлар»да намоён бўлади³⁷, бу оилавий анъаналарга ҳам хосдир. Бу стереотипларнинг тасодифий тўплами эмас, балки таркибий равишда ташкил топган миллий тажриба ва ривожланишнинг ижтимоий вазиятларини акс эттирувчи аниқ тизимдир. Мамлакатларнинг турли географик ва иқлимий жойлашуви уларнинг аҳолиси турмуш тарзи, маданияти, характерларини белгилаб беради. Бир этнос вакилларига хос хусусият бошқа миллат маданиятида учрамаслиги, учраса ҳам фарқи бўлиши, баъзи жиҳатларда эса катта ўхшашликларга эга бўлиши мумкин.

Оила ва оилавий анъана ҳамда муносабатлари тушунчаси доирасида изланишларнинг аксарият қисми чоғиштириш методи, лингвомаданий метод,

³⁴ Красных В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 138 с.

³⁵ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 67-447.

³⁶ Кароматова К.М., Кароматов Х.С. Proverbs – Мақоллар – Пословицы. – Т.: Мехнат, 2000. – Б. 34-184.

³⁷ Иконникова С.Н. Диалог о культуре / С.Н.Иконникова. – Л.: Лениздат, 1987. – С. 53.

тасвирлаш методлари ёрдамида олиб борилган. Масалан, Ани Рахмат³⁸ рус лингвомаданиятига хос бўлган «Оила» концепти доирасида фарзанд ва ота-она муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини тадбиқ қилади. А.Т.Ашхарова³⁹ эса рус оламининг лисоний манзарасида «Дитя» («Бола») концепти доирасида, А.А.Гайченя⁴⁰ рус ва испан оламларининг лисоний манзараларида «Семья» («Оила») концептининг лингвомаданий таҳлили ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишган. Ундан ташқари А.В.Леднева⁴¹ рус ва немис мақоллари асосида «Ребёнок» концепти кўламида, С.М.Адамова⁴² лак ва инглиз тилларининг маданиятларида шахслараро муносабатларни акс эттирувчи мақоллар асосида, Го Пинтин⁴³ рус ва хитой оламининг лисоний маданиятида оилавий анъанани мақол ва маталларнинг тадқиқи доирасида, Ш.Джамалдинова⁴⁴ рус ва ўзбек мақоллари асосида «Оила» концептини, С.А.Рузиева⁴⁵ инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида «Оила» концептининг чоғиштира тадқиқини олиб борган. З.А.Биктагинова⁴⁶ инглиз, турк ва татар тилларининг паремиологиясида «Оила» концептини чоғиштира ўрганишда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари, умумий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришга эришишган.

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида ОАМларни намоён қилувчи фразеологик бирликларнинг таҳлили маълум даражада универсал ва ўзига хос жиҳатларни аниқлашга имкон берди. Диссертация ишининг иккинчи бобида таҳлил қилинган умр йўлдош танлаш ва турмуш қуриш анъанаси, тўй анъанаси, никоҳ ва турмуш анъанаси, эр ва хотин, оилада фарзанд тарбияси ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, бобо, буви ва неваралар, оилада фарзандлар ўртасидаги муносабат (ака-ука ва опа-сингиллар), қон-қариндошлар, қудалар ва қайнона, қайнэгачи, қайнисингил ва келин, куёв, овсинлар, божалар ўртасидаги муносабатлар инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида ФБларда акс этганлиги очиб берилди ва қуйидаги концептуал-тематик майдонлар аниқланди:

³⁸ Рахмат А. Концепт семья в русской паремике: лингвокультурологический аспект. Дисс. канд. филол. наук. Санкт-Петербург. гос. университет. – Санкт-Петербург, 2013. – С. 39-172.

³⁹ Ашхарова А.Т. Концепт «дитя» в русской языковой картине мира. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Архангельск, 2002. – С. 57-64.

⁴⁰ Гайченя А.А. Концепт СЕМЬЯ в русской и испанской языковых картинах мира. Лингвокультурологический анализ, 2018. Язык и текст langpsy.ru. Том 5. – № 4. – С. 68-77.

